

## ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2022 йил ноябрь ойининг 3 куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция [REDACTED]

[REDACTED] иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж. [REDACTED] евнинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори С. [REDACTED] судланувчи Н. [REDACTED] ова ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] иштирокида, жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2022 йил 27 сентябрдаги ҳукмига кўра судланган,

[REDACTED] туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оиласидан ажрашган, тўрт нафар фарзандлари бор, муқаддам судланган,

1) 20.10.2017 йилда жиноят ишлари бўйича Олтиариқ тумани судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган;  
2) 06.10.2018 йилда жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 59,61-моддалари тартибида 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, 29.03.2018 йилда жиноят ишлари [REDACTED]

[REDACTED] Республикаси жиноят кодексининг 48<sup>1</sup>-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 11 ой 22 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси алмаштирилган;

3) 13.05.2019 йилда жиноят ишлари бўйича Олтиариқ тумани судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг



168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 59,61-моддалари тартибида 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, 19.08.2021 йилдаги жиноят ишлари бўйича Олтиариқ тумани судининг ажримига асосан, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 73-моддасига асосан ўталмаган 4 ой 8 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан олдин шартли озод қилинган;

4) 21.10.2021 йилда жиноят ишлари бўйича Олтиариқ тумани судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 60,61-моддалари тартибида 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Мустақиллик кўчаси 62-уйда истиқомат қилиб келган, жиноят ишлари бўйича 7.04.2022 йилда “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 12.05.2022 йилда “Гаров” тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 21.05.2022 йилда ушланиб, 23.05.2022 йилда “Гаров” тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 25.05.2022 йилда “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, жиноят ишлари бўйича [REDACTED]

[REDACTED] “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 14.09.2022 йилда ушланиб, шу кундан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга

нисбатан чиқарилган ҳукмдан норози бўлиб судланувчи томонидан келтирилган апелляция шикоятига асосан 1-533/22-сонли жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**



Н.Ботировага Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди асосан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, 6 (олти) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида, жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 28.10.2021 йилдаги ҳукмига кўра тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 6 (олти) йил 7 (етти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Н.Ботировадан, жабрланувчи Н. [ ] 14.288.000 (ўн тўрт миллион икки юз саксон саккиз минг) сўм, жабрланувчи С. [ ] фойдасига 52.500.000 (эллик икки миллион беш юз минг) сўм, жабрланувчи [ ] фойдасига 58.000.000 (эллик саккиз миллион) сўм, жабрланувчи Ғ.Ёқубов фойдасига 156.020.000 (бир юз эллик олти миллион йигирма минг) сўм ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига [ ], ўзганинг мулкани алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йилнинг ёз ойларида аёллар кийим-кечаклар савдоси билан шуғулланувчи таниши Н.Туроновадан кийим-кечакларни сотиб беришини, пулларни эса бир неча кунда олиб келиб беришини айтиб, алдаб, уни ишончига кириб, жами 24.788.000 сўм миқдоридаги кийим-кечакларини олиб кетиб, мазкур кийим-кечакларини тергов давомида аниқлашни имкони бўлмаган шахсларга сотиб, пулларни шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, Н. [ ] ова ўзганинг мулкани алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йилнинг октябрь ойи ўрталарида АТБ “Унверсалбанк” Фарғона филиалида ишловчи С. [ ] илан танишиб, унга биргаликда тадбиркорлик қилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари олди-сотди ишлари билан шуғулланиб, фойда олишни таклиф қилиб, уни ишонтирган холда алдаб, 2021 йилнинг 9 ноябрь куни ундан жами 62.500.000 сўм миқдоридаги пулларни олиб, ушбу пуллар эвазига Тошкент шаҳридан жами 10 тонна миқдорида гуруч маҳсулотлари олиб келиб, уни сотиб, сотувидан тушган пулларини бир hafta муддат ичида фойдаси билан қайтариб беришга ваъдалар бериб, Тошкент шаҳридан олиб кетган 10 тонна гуруч маҳсулотини дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга арзон нарҳда сотиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, Н. [ ] ўзганинг мулкани алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил 24 ноябрь куни фуқаро [ ] гуруч маҳсулотлари олди-сотдиси билан шуғулланаётганлигидан хабар топиб, ундан жами нархи 58.000.000 сўмлик 7.961 кг миқдордаги гуруч маҳсулотларини пулини бир неча кун ичида бериш шarti билан олиб, ушбу гуруч маҳсулотларини дастлабки



тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, Н. [REDACTED] 2022 йил 25 февраль кунидан 27 февраль кунига қадар бўлган вақт оралиғида, ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Сирғали тумани Муқанна кўчаси 28-уйда жойлашган “CHINORBEK DIYORBEK MARKET” МЧЖ савдо дўконида бўла туриб, “CHINORBEK DIYORBEK MARKET” МЧЖ раҳбари Ғ [REDACTED] ишончига кириб, “CHINORBEK DIYORBEK MARKET” МЧЖга тегишли ҳар бир кг 13.500 сўмдан бўлган 2.500 кг гречка дон маҳсулотини, ҳар бир кг 8.000 сўмдан бўлган 2.136 кг “Аланга” гуручини, ҳар бир кг 12.500 сўмдан бўлган 12.500 кг “Лазер” гуручини, ҳар бир кг 8.000 сўмдан бўлган 2.554 кг “Аланга” гуручини, ҳар бир кг 13.500 сўмдан бўлган 1.000 кг гречка дон маҳсулотини, жами баҳоси 241.020.000 сўм бўлган гуруч ва гречка дон маҳсулотларини тўлов пулини 1-2 кун ичида тўлаб бериш шарти билан олиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган гуруч ва гречка маҳсулотларини дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, сотувдан тушган пул маблағларидан Ғ.Ёқубовга 85.000.000 сўмини бўлиб-бўлиб тўлаб, қолган бериши лозим бўлган 156.020.000 сўм тўлов пулини ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Судланувчи Н. [REDACTED] а апелляция шикоятда, иш ҳолатлари тўлиқ текширилмаганлиги, жабрланувчилар билан юзлаштирилмаганлиги, айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилада ёлғиз боқувчи эканлиги, 4 нафар фарзанди борлигини инобатга олиб тайинланган жазони камайтиришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья [REDACTED] маърузасини, прокурор С [REDACTED] суд ҳукмини ўзгаришсиз келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] апелляция шикоятини қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Судланувчи Н. [REDACTED] суд ҳукмида баён этилган жиноятларни содир этганликдаги айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи [REDACTED], [REDACTED], гувоҳларнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари, шунингдек, телефон орқали ўтказилган суҳбат баённомаси билан, телефон орқали СМС ёзишмалари тушурилган фотосурат билан, нарсани кўздан кечириш баённомаси билан, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва ишга қўшиш ҳақида қарор билан, юзлаштириш тергов ҳаракати баённомалари билан, [REDACTED] Н.Ботирова томонидан унга гаров тариқасида қолдириб кетилган



“NODIRA ММММ” МЧЖ гувоҳномаси нусхаси, “NODIRA ММММ” МЧЖ устави нусхаси, сертификат нусхасини ихтиёрий топшириш баённомаси, кўздан кечириш баённомаси ва ашёвий далил деб эътироф этиш қарори билан, гувоҳ М.Юсуповадан Н.Ботирова билан интернетнинг “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали олиб борган ёзишмаларининг 15 варақ фотосуратларини ихтиёрий топшириш баённомаси, кўздан кечириш баённомаси ва ашёвий далил деб эътироф этиш қарори билан, Ғ. [REDACTED] “CHINORBЕК DIYORBЕК MARKET” МЧЖ савдо дўконига келиб, Ғ. [REDACTED] бов ва М.Юсуповаларга хужжатларини гаров тариқасида қолдириб, гуруч ва гречка дон маҳсулотларини сотиб олиб, юк автомашиналарига ортиб, олиб кетганлиги видеотасвири ёзилган 4 дона DVD-R форматли дискларни ихтиёрий топшириш баённомаси, кўздан кечириш баённомаси, фотоилова ва ашёвий далил деб эътироф этиш қарори билан, дастлабки тергов давомида тўпланган бошқа процессуал хужжатлар билан ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган суд мажлисида ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган далиллар йиғиндиси билан ҳам тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED] жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг талабларига риоя қилиб, содир этилган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбларига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, иш ҳолатларини, жиноят натижасида етказилган зарар миқдори қисман қопланганлигини, оилавий шароитини, тўрт нафар фарзандлари борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб ҳамда иш ҳолатларини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 57-моддасини қўллаган ҳолда айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлаб, тўғри хулосага келган.

Судлов ҳайъати шикоятда келтирилган важларни атрофлича муҳокама қилиб, биринчи инстанция суди томонидан иш ҳолатлари тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона текширилиб, унинг айби исботланганлиги ҳақида тўғри хулосага келган, жабрланувчилар суд мажлисида чақириб сўроқ қилинган, ҳукмда уларнинг зарарлар қопланмаганлиги, судланувчидан етказилган зарарни ундириб беришни сўраб берган кўрсатувлари мавжуд, унга нисбатан жазо тайинлашда барча енгиллаштирувчи ҳолатларни, жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ қопланмаган бўлсада, ЖК 57-моддасини қўллаб у айбли деб



топилган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг камидан ҳам камини тайинлаган, ҳозирда унга нисбатан тайинланган жазони янада енгиллаштириш учун ишда асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Шуларни инобатга олиб унинг келтирган важлари билан келишиб бўлмайди ва шикоятда келтирилган важлар шулар билан инкор қилинади.

Бундай ҳолатда Н [REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун ишда асослар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2022 йил 27 сентябрдаги [REDACTED] оид ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497<sup>36</sup>-моддаси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

[REDACTED]  
/имзо/

[REDACTED]  
/изо

[REDACTED]  
/имзо/

